Ислом КАРИМОВ:

Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ 4 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

№ 41 (25.591).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

МИЛЛИЙ ҒОЯ, ХАЛҚ ВА КЕЛАЖАК

Муайян ғоясиз равнақ топган миллат йўқ дунёда.

Ўзбек халқи ўзининг узоқ тарихи мобайнида келажаги буюк давлат қуриш даражасида тараққий этган эканми, демак, у илгари замонлардан ҳам муайян миллий ғояси ва ўз миллий мафкурасига эга бўлган. Айнан миллий ғоя ва миллий мафкура сусайган даврларда маънавий-маърифий тараққиёт таназзулга юз тута борган.

Халқимиз истиқлол туфайли жамиятни олға етакловчи ягона миллий ғоясига интилиш ва шу ғояни амалга ошириш учун миллий мафкурасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш имконини қўлга киритди.

Бироқ энди ана шу миллий ғоямиз ва миллий мафкурамизни кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилишимиз керак. Чунки ғоя одамлар онг-тафаккурига ўз-ўзидан сингавермайди.

Орамизда баъзан миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш ва мустаҳкамлашга тарғибни ўзича тушуниб, «Қани ўша миллий ғоя ва миллий мафкура?» — деяётганлар ҳам топилиб қолади. Бундайлар учун алоҳида уқтириб айтиш керакки, жамиятимиз ўз миллий ғояси ва миллий мафкурасига эга. Унинг пишиқ-пухта концепцияси муҳтарам Йўлбошчимиз томонидан яратилган ва кун сайин такомиллашиб боряпти.

Миллий мафкура бугун сиёсатимиз, иқтисодиётимиз, маънавиятимизнинг ҳар бир жабҳасига муносабатда ёрқин намоён бўлиб турибди.

Биргина тарихга муносабатни олиб кўрайлик. Бугун бир пайтлар қўкларга кўтариб мақталган, «инқилоб» деб аталган, аслида эса қон тўкиш орқали хокимиятни эгаллаш бўлган ҳодисанинг номи «харбий тўнтариш». Ватан озодлиги, истиқболи учун курашган жадид боболаримиз «халқ душмани» деган тамға билан қоралаб келинган бўлса, адолатни тиклаб, бугун уларнинг миллий озодлик ҳаракати фидойиларидан эканини эсдан чиқармаслигимиз шарт. Ёки Темурга, Бобурга, миллий меросимизга, муқаддас динимизга муносабатни олинг.

Бу миллий ғоя ва миллий мафкурани ҳар бир фуқаро онггида шакллантириш ва мустаҳкамлаш — бугун туб мақсад. Аммо бу мақсадга етиш, одамларда миллий ғоя ва миллий мафкура ҳақида кучли ижтимоий онгни шакллантириш ва уни бевосита ҳаётий дастуриламалга айлантириш учун ҳали жуда кўп ишлаш керак. Чунки мустабид тузум даврида кишиларимиз фикр-ўйга сингиб кетган тушунчалардан қутулмай туриб, бугун ҳаётни тушуниш ҳам ундан ўзинг учун ўрин топишинг ҳам ниҳоятда мушкул. Борингки, бугун давлат, тузум, жамият, мулк, ҳуқуқ, тарих ва ҳоказо ва ҳоказо масалалар бўйича эски тасаввурлар билан яшаб бўлмаслиги аён.

Хўш, тасаввурларимизнинг қай бирлари эски? Улардан қандай қутуламиз? Янги тушунча ва қарашларни шакллантириш учун нима қилиш керак? Сиёсий, иқтисодий, маънавий онгни ўзгартиришдан кўзланган бош мақсад нима?:

Бугун бу саволлар маънавият ва маърифат ходимларини миллий ғоя ва миллий мафкура тарғиботчиларини, сиёсатчиларимизни ишлаш-изланишга, янги-янги йўл-йўриқ ва усуллар қидиришга ундаяпти.

Энг яхши йўл — бевосита ҳаёт ичига кириб бориш, одамлар билан юзма-юз туриб, миллий ғоя ва миллий мафкурамиз, унинг аҳамияти ва бугун учун зарурати ҳусусида сўзлашиш.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши шу мақсадда пешқадам зиёлилардан иборат жамоатчи тарғибот-ташвиқот гуруҳлари ташкил этди. Бу гуруҳлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар бўйлаб муҳим ва долзарб маънавий-маърифий мавзуларда турли учрашув ва суҳбатлар ўтказади, маърузалар қилади.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарининг муовини, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими, исломшунос Зуҳриддин Ҳуснидинов, адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Зуҳриддин Исомиддинов, «Шаҳидлар хотираси» жамғармаси ижрочи директори, юридик фанлари номзоди Бобоқул Тошевлардан иборат гуруҳ Фарғона водийси вилоятларида «Миллий ғоя ва миллий мафкура — келажак йўли» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирлар мажмуини ўтказиб қайтди.

Тарғиботчилар аввал «Онгни ўзгартириш — туб мақсад (Миллий ғоя ва миллий мафкура тарғиботи таъсирчанлигига эришиш йўлида)», «Ислом ва диний экстремизм: ғоялар кураши», «Ўйнаб гапирсанг ҳам — ўйлаб гапир (Миллий мафкура аҳамияти ва мафкурасизлик фожиаси)», «Ҳуқуқий онг равнақи маънавий баркамоллик белгиси сифатида» мавзуларида турли туманларда маъруза қилдилар. Кейин вилоят марказидаги муҳташам залда барча туманлардан келган вакиллар ҳузурида суҳбат қурдилар.

Бундай тадбирлар мажмуида вилоят, туман, корхона ва муассасаларнинг маънавият ва маърифатга мутасадди ходимлари маҳалла оқсоқоллари, диний уламолар, меҳнаткаш халқ вакиллари қатнашди.

Одамлар мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар миллий ғоя ва миллий мафкурани кучайтиришга, миллий ғоя ва миллий мафкура такомили эса сиёсатимизни янада мустаҳкамлашга омил бўлаётганини дилдан ҳис этдилар.

Аҳоли ҳузурида миллат ва халқ тақдири ҳақида, ўзгараётган тезкор замон билан ҳамқадам бўлиш аҳамияти ҳусусида сўзлашишнинг самарали таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Буни тадбирлардаги иштирокчилар фаоллиги, қизғин баҳс-мунозара савол-жавоблар ҳам тасдиқлаб турди.

■ **Мурод ҲОШИМОВ**

ЭЛЧИ АНДИЖОНДА БЎЛДИ

Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ноаҳ Гал Гендлер жаноблари Андижонда бўлди. Юқори мартабали меҳмонни Андижон вилояти ҳокими, Олий Мажлис депутати Қобилжон Обидов қабул қилди. Дўстона ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш мулоқот мазмунини ташкил этди.

■ **Аҳмадилло Солиев,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Қайга борма бошда дўппинг, Шуҳратинг, қадринг буюк.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ – ЯПОНЛАР НИГОҲИДА

Японияниг «ОАК Принт» компанияси раҳбари Мамико Окабе хоним Ўзбекистон Бадиий академияси кўмагида 2001-2002 йилларда Японияда Ўзбекистон тўқимачилик ва халқ амалий санъати усталарининг кулолчилик маҳсулотлари кўргазмасини ташкил этиш учун юртимизга ташриф буюрди.

— Мамлакатингизга ташрифимдан асосий мақсад тўқимачилик ва халқ амалий санъатига оид гўзал асарлардан баҳраманд бўлиш, юртдошларимни ўзбек халқининг бой маданий мероси билан яқиндан таништиришдир, — деди у. — Японияда намойиш этиладиган экспозицияда миллий ҳамда замонавий тўқимачилик маҳсулотлари, республика музейларини безаб турган қадимий каштачилик ва халқ хунармандчилигининг бошқа намуналари жой олиши кўзда тутилмоқда.

Япон мутахассиси ёрдамида Ўзбекистонда яқин келажакда махсус кулолчилик ускунасини қуриш ниятидамиз, таъкидлади Мамико Окабе хоним. Ўзбекистондаги ускуналар маҳсулотни 800 даражагача пиширади. Японияниг замонавий ускуналари эса 1250 даражагача пишириш қувватига эгадир. Ўйлайманки, бундай ҳамкорлик икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини яна ҳам мустаҳкамланишига хизмат қилади.

■ **«Туркистон-пресс»**

ЙИЛ ОЙ КУН

ЎЗАРО МУНОЗАРАЛИ ВА ИШЧАНЛИК РУҲИДА

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия ташкилотининг республика Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги маърузасидан ва ЎзХДП Марказий Кенгаши иккинчи пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, шаҳар кенгаши ижроия бюросининг ўтган йилги фаолияти якунлари ҳамда партия ташкилотининг 1999 йилги бюджети ижроси ва 2000 йил бюджети тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Пленумда Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов маъруза қилди.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

МЕНИ ҲАМ ТАНҚИД ҚИЛИНГЛАР

— дейди Самарқанд вилоят ҳокими Эркин Рўзиев

Вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари ва республика газеталари ҳамда телерадиокомпаниясининг Самарқанддаги мухбирлари билан Эркин Маҳмудович дилдан самимий мулоқотда бўлди.

— Бугунги кунда вилоятда республика телерадиокомпанияси вилоят бўлими, СТВ ижодий уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. 30 дан зиёд газеталар чоп этилмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолияти ва ишидан кўнглимиз тўлган эмас, — дейди ҳоким. — Телекўрсатувлар ранг-баранг, техник жиҳатдан соз бўлиши керак. Газеталарда чоп этилаётган ахборот, мақола ва танқидлар ўта саводхонлик ва маҳорат билан ёзилиши шарт.

Афсуски, кўплаб газеталарнинг ижодий жамоаларида саводхонлик ва маҳорат етишмаяпти. Адолатли, самимий ва нишонга тўғри тегадиган, фикр-мулоҳазаларга бой танқидий мақолалар кам ёзиляпти. Самимий танқид бўлса, менинг ҳақимда ҳам ёзинглар.

■ **Л. МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари, якка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорлар диққатига:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шуни маълум қиладики, тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида кичик ва ўрта бизнес корхоналари, деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари ва якка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорлар республика ҳудудидаги барча банклардан микрокредитлар олиш учун фақат қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. Микрокредит бериш тўғрисида ариза
2. Бизнес-режа
3. Кредитни қайтариш таъминоти (қуйидаги кафолат турларидан бири: мулк ва қимматли қоғозлар гарови; банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати; учинчи шахс кафолати; суғурта полиси; маҳалла, қишлоқ (овул) фуқаролари йиғини кафолати)

Банкнинг ишончли мижозлари учун эса фақат микрокредит бериш тўғрисида ариза ва бизнес-режани тақдим этиш кифоядир.

Тадбиркорлар мазкур масалада ўзларини қизиқтираётган барча саволларга Республика Марказий банкида ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» орқали батафсил жавоб олишлари мумкин.

Республика Марказий банкида ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» рақамлари:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида 152-57-27; 136-74-08; 132-10-14

Нукусда	**24-25-50**
Андижонда	**24-33-10; 24-45-97**
Бухорода	**23-01-32; 23-61-26**
Жиззахда	**26-62-90; 26-02-61**
Қаршида	**23-90-38**
Наманганда	**26-41-11**
Навоийда	**23-09-83; 23-08-72**
Самарқандда	**31-08-69; 31-04-94**
Гулистонда	**25-26-21**
Термизда	**24-46-98; 24-38-23**
Фарғонада	**24-36-71**
Урганчда	**24-24-25**
Тошкент вилоятида	**133-79-06**
Тошкент шаҳрида	**152-29-77**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 4 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	89,33	10 Испания песети	8,50	1 Финляндия маркаси	23,79
1 Австрия шиллинги	10,28	100 Италия лираси	7,31	1 Франция франки	21,57
1 Англия фунт стерлинги	235,52	1 Канада доллари	101,53	1 Швейцария франки	88,90
10 Бельгия франки	35,07	1 Хитой юани	17,84	1 ЕВРО	141,47
1 Голландия гульдени	64,19	10 Люксембург франки	35,07	10 Жанубий Корея вони	1,34
10 Греция драхмаси	4,23	1 Малайзия риггити	38,87	10 Япония иенаси	14,07
1 Дания кронаси	19,00	1 Германия маркаси	72,33	1 Россия рубли	5,16
1 БАА дирхами	40,21	1 Польша злотийси	35,68	1 Украина гривнаси	27,21
1 АҚШ доллари	147,70	1 СДР	198,55		
1 Миср фунти	43,12	1000 Туркия лираси	0,25		

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ГАП ГЕКТАРДАМИКАН?»

Хоразм вилоят прокуратураси томонидан «Ўзбекистон овози» газетасининг 2000 йил 22 февраль кунги «Гап гектардамикан?» сарлавҳали мақола юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, Урганч туман ҳокимининг 1998 йил 14 сентябрдаги 381/1-сонли қарорига асосан тумандаги мавжуд 174 та фермер хўжалиги раҳбарларидан 156 нафари аттестациядан ўтган ҳисобланиб, тумандаги Ш. Зарипов ҳиссадорлик жамиятида дончилик йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларидан 15 нафари аттестациядан ўтказилмасдан ерлари олиниб, тугатилган.

Туман прокурори томонидан ушбу қарорнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилиб, Урганч туман ҳокимининг 1998 йил 14 сентябрдаги 381/1-сонли қарорини қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида 07.01.2000 йил куни протест киритилган.

Туман прокурорининг протести қаноатлантирилиб, Урганч туман ҳокимининг 2000 йил 2 февраль куни 200/2-сонли қарори қабул қилиниб, мақолада кўрсатилган «Хошим», «Абдушукур», «С. Кабул», «Комилжон», «Мулла Ота», «Хушнуд Сардор», «Сотиб чўпон», «Барс», «Машарипбек», «Анабиби», «Исломхўжа», «Собир атак» ва бошқа фермер хўжаликларини ерга эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқлари тикланганлиги маълум бўлди.

Текшириш натижасига кўра, юқорида йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари ва уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф қилиш ҳамда қонунбузилишига йўл қўйган ходимларнинг интизомий жавобгарлик масаласини ҳал қилишлик учун туман ҳокими номига тақдимнома киритилган.

■ **Хоразм вилоят прокуроринниг биринчи ўринбосари,адлия кичик маслаҳатчиси, Ш. РАҲМОНОВ**

«Ў Р А»

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 26 февраль сонида чоп этилган «Ўра» сарлавҳали мақола Тошкент шаҳар ҳокимлиги масъул ходимлари — котибият мудирлари иштирокида муҳокама этилди. Ушбу мақолага ўз вақтида эътибор бермаган котибият мудирлари огоҳлантириш олдилар ва мақолада кўрсатилган нуқсонлар юзасидан тезкор чоралар кўриб, редакцияга ҳам маълумот бериш топширилди.

Шунингдек «Шоҳбекатми, ёки...?» мақолада кўрсатилган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилгани ва Ҳамза тумани ҳокими имзоси билан (№03-09/85-ХХ и 26-05-1999 йил) редакцияга жавоб берилганини эслатиб ўтамиз.

Шаҳримизнинг кўча майдонлари, боғлари, бекатлари тоза, чиройли, кўкаламзор бўлиши учун ҳамма тадбир-чоралар кўрилмоқда ва бу ишларнинг бажарилиши шаҳар ҳокимлиги раҳбариятининг доимий назоратида бўлади.

■ **Тошкент шаҳар ҳокими биринчи ўринбосари, А. МИРЖАЛИЛОВ**

«БОШБЕКАТМИ, ОШБЕКАТ?»

Сурхондарё вилояти Денов хўжалик ҳисобидаги ҳудудий автошоҳбекат маъмурияти «Ўзбекистон овози» газетасининг 2000 йил 2 март сонида чоп этилган «Бошбекатми, ошбекат?» сарлавҳали танқидий мақоласини атрофлича ўрганиб чиқди. Денов автошоҳбекатига қарашли Узун бошбекати Узун туман ҳокимлиги билан келишган ҳолда бошбекат биносини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Бошбекат пештоқидаги ёзув лотин алифбосига ўзбек тилида қайта ёзилиб маҳкамлаб қўйилди.

Узун бошбекати ҳудудини ободонлаштиришни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди.

■ **Денов автошоҳбекати бошлиғи С. РАЖАБОВ**

ҚУРИЛИШ РЕЖАГА КИРИТИЛДИ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2000 йил 1 февраль сонида чоп этилган «Муқимий бобо қайтсалар нима деркинлар?» сарлавҳали мақолада Фарғона туманида бозор йўқлиги танқид қилинган эди. Шундан сўнг вилоят ҳокимлигида бу масала кўриб чиқилди ва Фарғона тумани марказидаги «Деҳқон бозори» мажмуаси қурилиши 2000 йил тадбирларига киритилди.

Жорий йилда қуриб ишга туширилишини вилоят ҳокимлиги ўз назоратига олди.

■ **Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари К. САЛАХАДИНОВ**

ҲАШАР ЭЛГА ЯРАШАР

Покизалик азалдан халқимизнинг қонида бор. Айниқса, баҳор келиши биланоқ юртимизда ободончилик ишлари бошланиб кетади. Кеча пойтахтимизнинг Миробод туман ҳокимияти яна бир хайрли ишга қўл урди. Туман миқёсида ўтказилган бу тадбирда уч мингдан ортиқ ҳашарчилар мавзе ва маҳаллаларда ободончилик ишларини бажаришди. «Фотон» очиқ турдаги акционерлик жамияти, транспортчилар жамоаси, туман халқ таълими бўлими, соғлиқни сақлаш ходимлари, айниқса, бошқаларга ибрат кўрсатди.

— Туманимиз аҳолиси бу тадбирда якдил қатнашди, — дейди туман ҳокими муовини Баҳодир Дадабоев. — Қўйлиқ-1,2,3,4-мавзеларидаги кўп қаватли уйларнинг ҳовлилари, мактаб, боғчаларда озодалик ишлари бажарилиб кўплаб, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Зеро, маҳаллалар юртнинг юзи.

■ **Барно АЛИЕВА**

ЧИҚИНДИ... ВАЛЮТАГА СОТИЛАДИ

Маълумки, пахтани қайта ишлаш корхоналарида тола ишлаб чиқариш жараёнида момиқсимон чиқитлар кўплаб ажралиб қолади. Бизда бу чиқинди кераксиз-ахлатхонага ташланади ёки ерга ўғит ўрнида солиниб келинарди. Хитойда эса ана шу чиқит қайта ишланиб, ундан маълум миқдорда тола олинади.

Хитойнинг Шанхай шаҳрида очилган Ўзбекистоннинг ҳаракатдаги ярмаркасига кўпгина субъектлар қатори таъсисчи бўлиб кирган Бухоро мол-хомашё биржаси ҳам мазкур чиқиндини етказиб бериш бўйича 29,5 минг доллар миқдорида шартнома имзоладди. Айни пайтда Бухоро вилоятидаги пахтани қайта ишлаш заводларида 418 тонна момиқсимон чиқинди хорижга сотиш учун тайёрланаяпти. Ҳа, чиқинди ҳам валютага сотилади.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1995 ЙИЛ

28 январь. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланганлар рўйхати матбуотда чоп этилди.

3 февраль. «Мулоқот» журнали таҳрир ҳайъати янги таркибининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда иштирок этган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов партиямиз ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари, Миллий истиқлол мафкураси қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги серқирра фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига ўтказилган сайловларда иштироки ва унда қўлга киритилган натижаларга, сайловлардан кейин мамлакатда юзага келган ижтимоий-сиёсий ҳолат ва ХДП ташкилотларининг долзарб вазифаларига, янги вазиятдан келиб чиққан ҳолда партиямиз матбуот органлари, жумладан, «Мулоқот» журнали таҳририяти олдида турган масалаларга тўхталиб ўтди. Журнал бош муҳаррири Б. Бойқобилов ойнома ижодий жамоасининг фаолияти ва режалари тўғрисида гапирди.

15 февраль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида партиямиз Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари бош муҳосибларининг икки кунлик семинари бўлиб ўтди. У 1995 йил январдан бошлаб Ўзбекистонда жорий қилинаётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг янги, ягона тизимига ўтиш масаласига бағишланди.

22 февраль. Олий Мажлис Ўзбекистон ХДП расмий фракциясини тузиш бўйича таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. 69 депутатни бирлаштирган фракцияга Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов раис этиб сайланди.

22 февраль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан республика Олий Мажлисига сайланган депутатлар иштирокида кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Сиёсий ижроқўм биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис биринчи сессияси муносабати билан партиямиз ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Шунингдек, Сиёсий ижроия қўмита Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг 1995 йил биринчи ярми учун иш фаолияти асосий йўналишларини кўриб чиқиб, уни маъқуллади.

23-24 февраль. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Олий Мажлисдаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов нутқ сўзлади.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор).

ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ

ТЎҚҚА... ТЎЙ ЯРАШАР

... Олдинлар эди, ахён-ахёнда қулоғимизга чалинарди: «Фалончи эллик (ёки олтмиш) йиллик юбилейини ўтказибди!» Кўпчиликка рўзғорни бутлаш, қоринни тўйғазиш қайғу бўлган замонларда ана шу фалончининг юбилейи аксаримизга эриш туюларди. Кўпни кўрган кексалар танбеҳона айтишарди: «Тўйинган-да, тўйинган»...

Энди бошқача — янги замон келди, истиқлол барчамизнинг уйимизда абадий қўноқ. Топганимиз ўзимизники, бировларга ҳисоб бериш, ер ости ва усти бойликларимиз ҳақида пана-панада писиб шивирлашлар йўқ. Юртбошимиз томонидан қисқа фурсатда амалга оширилган дон мустақиллиги одамлар омборига қоп-қоп буғдой, шоли бўлиб кирди. «Қўшимча томорқамдан салкам бир тонна сара буғдой олдим, бола-чақамга бир йил ётиб ейишга етади!» дейди гапдон ошнамиз. Унинг ғуруррланганича бор. Ҳар қишлоқда беш-ўн жойда хусусий тегирмонлар ишлаб турган пайтда энди кимгадир сарғайиш йўқ, ҳар қоп ун устига фалон сўм «шапка» бериш йўқ. Хоҳлаган пайти тегирмонга боради, буғдой торттиради. Истасин олий навга, истасин биринчи навга! Энг асосийси кўпчиликнинг уй бекаси «мингирлаши»дан боши тинчиган: қоп-қоп дони бор, қоп-қоп гуручи бор. Бу йил воҳа ижарачиларига ҳар гектарига камида юз килограммдан пахта ёғи тарқатишди. Ким бой — деҳқон бой!

Хоразм деҳқонига омад йўлдош . Ўтган мавсумда буғдойдан бўшаган майдонларда деҳқонлар шоли ниҳолини кўчатлаб ўтказиб ҳар гектардан камида қирқ-эллик центнердан хирмон кўтаришди. Шундан-ўтган йил баҳорги ва бу йилги гуруч нархи деярли бир хил. Шундан— тўй-тўйга уланмоқда. Давраларда куй-қўшиқ тинмайди. Меҳмонлар яхши тилаклар айтадилар. Тилакларнинг аксар мазмунини — шундай кунларга етказган мустақилликка шукрона, юртбошимиздан миннатдорлик ташкил этади.

«Топганинг тўйга буюрсин!» деган яхши тилак бор. Бугунги ўзбек яхши топаяпти, яхши яшаяпти.

«Тўққа тўй ярашар!» дегани шу! Мустақиллик дегани шу!

■ **Рўзимбой ҲАСАН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ОИЛА МАЪНАВИЯТИ

Оила — кишилар ҳаётининг асосий қисми ўтадиган маскан, жамиятнинг кичик ҳужайраси, давлатнинг бир бўлагидир.

Оила — бирлик рамзи. Яъни, кишиларнинг табиий — биологик (жинсий муносабатлар, уй-рўзғорни бошқариш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги севги, меҳр-муҳаббат туйғуси ва шу кабилар) муносабатларига асосланган бирликдир. Оила ва унинг маънавияти мустақил Ўзбекистон шароитида фавқулодда аҳамият касб этади. Чунки, биринчидан Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярми мактабгача ва мактаб ёшидаги болалардан иборат. Соғлом авлодни камол топтириш эса келажагимиз гаровидир. Иккинчидан, мустақиллик маънавиятнинг тамал тоши оилада қўйилади.

Бундан 2 минг йил аввал буюк донишманд Арасту шундай деган экан:

—«Ҳар қандай санъатнинг, жумладан, тарбия санъатининг ҳам мақсади-инсонга табиат ато этмаган нарсаларнинг ўрнини тўлдиришдан иборат». Демак, тарбия санъатнинг асосий мақсади ҳам оилада амалга оширилади.

Республикамиз истиқлолга эришгач, халқнинг оилавий қадриятлари аста-секин тикланмоқда.Ўзбекистон ҳукумати ва шахсан Президент Ислом Каримов оила масалаларига доим диққат-эътибор, ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунга келиб оила тарбияси миллий ғурур ва ифтихор даражасига кўтарилдики, юртбошимиз унинг камолига, тинчлиги ва фаровонлигига, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясига катта эътибор қаратди.

Айнан мана шу долзарб ва ҳаётий муаммо ечимига «Оила маънавияти» мавзуига бағишланган, иқтидорли олима Ойниса Мусурмонованинг «Оила маънавияти — миллий ғурур» номли китоби яқиндагина «Ўқитувчи»нашриётида чоп этилди.

Муаллиф ўзбек оиласининг маънавияти — ўзбекнинг миллий ғурури деган илмий концепцияни олға суради ва уни асослашга ҳаракат қилади. Китобда ҳозирги замон ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятлари атрофлича таҳлил қилиниб, XXI асрда ўзбек оиласининг келажаги қандай бўлмоғи зарур? У янги асрда мамлакатимиз тараққиётига қандай таъсир кўрсатиши мумкин? деган муҳим муаммолар ўртага ташланган. «Бу оилада дунёга келиб шаклланадиган Шахс эркин фикрлайдиган, ҳар қандай салбий таъсирчан ғоялардан, онг, тафаккур қарамлигидан озод оилада, атроф-муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний баҳолайдиган ва уларга эркин муносабатларини билдира оладиган, ўзининг илғор фикрлари, намунаси билан оила аъзолари, сафдошлари, жамоасига таъсир қила оладиган, уларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш кучига эга, жамият, давлат, халқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўядиган, фидокор, ташаббускор, тадбиркор, ижодкор бўлмоғи назарда тутилади»

Муаллифнинг «Бўлажак оналар» шиори остида ёш қизларимизни ҳаётга тайёрлашнинг комплекс дастурини яратмоқ ва шу асосда XXI аср ўзбек аёли тимсолини шакллантирмоқ зарур», «Оила — миллий ғурур кошонасидир, устахонасидир» деган хулосалари муҳим аҳамиятга эга.- Соғлом, баркамол авлод тарбияси аввало биринчи навбатда оиладан бошланади. Китобда бола тарбиясида ота-онанинг бурчи ва вазифалари муҳим эканлиги, уларнинг тамойиллари аждодларимиз ёдномаларида ўз аксини топганлиги ва шу тамойиллар илм-фан, техника тараққиёти даври талаблари асосида бойитилиши ва ривожлантирилиши кераклиги илмий асосланган.

Ўз навбатида фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ва вазифалари ҳаётий мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган. Шу боис муаллифнинг қуйидаги фикрларига қўшилмаслик мумкин эмас: «Тарбия ҳикматига истиқбол қудрати сифатида қаралмоғи лозим. Дарҳақиқат, тарбия миллий истиқлол ва унинг нурли истиқболи учун мисли йўқ куч-қудратдир. Инсон онги ва шуурига, руҳи-жонига эътиқод, инсоний бурч, адолатпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, дўстлик, садоқат, ўзбекона ҳаё, иффат сингари одоб туйғулари ўша куч-қудрат манзилгоҳидир».

Муаллифнинг таълим даргоҳларида, маҳалла йиғинлари қошида «Оила дорилфунуни», илмий-педагогик кадрлар учун «Оила мафкураси» ўқув курсларини ташкил этиш зарурлиги ҳақидаги муайян таклифлари муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

■ **Муҳаммаджон Жакбаров,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси Илмий-тадқиқотлар бўлими бош мутахассиси, фалсафа фанлари номзоди.



Чиноз туманидаги «Зарафшон» фермер хўжалиги ўтган йили яхши натижаларга эришди. 43 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 28 центнер ўрнига 34,8 центнердан пахта, 14,5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 40 центер ўрнига 44 центнердан буғдой ҳосили олинди. Икки миллион 390 минг сўмлик соф даромад кўрилгани қувончли бўлди. Бунда фермер хўжалиги раҳбари тажрибали деҳқон Рўзмат Замоновнинг ҳиссаси катта.

Суратларда: 1. Фермер хўжалиги раҳбари Рўзмат Замонов. 2. Хўжалик аъзолари. 3. Далада иш қизғин.

Равиль ШАМСУДДИНОВ олган суратлар.

ТАҲРИРСИЗ ХАТЛАР

ИЛЛАТ

1996 йилда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси фармойишига биноан Шеробод ҳудудидаги 7,5 гектар ер Қумқўрғон туманидаги мевали ва манзарали кўчатлар етиштирувчи «Ирригатор» ташкилотига ўтказилди. 1999 йил 12 ноябрда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг 18-сонли фармойиши билан мазкур 7,5 гектар ер Шеробод туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига қайтадан ўтказилди. Бир балансдан иккинчи балансга ўтказиш, ҳужжатлаштириш жараёнида ҳам ишлаб юравердик. 2000 йилнинг 14 январига келиб ер балансга олинганини, бизлар эса ишсиз қолганимизни билдик. «Ирригатор» ташкилоти бошлиғи И. Абдуллаев «Бу йигитлар ўрмончилик бўйича мутахассис, уларни ишга олсангиз хато қилмайсиз», деди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи А.Зиёқуловга. Шунда: Сиз ҳам хатакилик қатағонларданмисиз, мен буларнинг ҳаммасини ишдан ҳайдайман, деди А. Зиёқулов. Бу билан бизни, уруғимизни ҳақорат қилди. Биз ҳам ўзбекмиз, шу юртнинг фуқаросимиз. Ишласак элу юрт деб ишладик. А. Зиёқулов бизнинг иш ҳақимизни бермай ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказди.

Бизга алам қиладигани, ҳали ўзи бир туп кўчат етиштирмай, 7,5 гектар майдонда биз етиштирган, етилиб қолган 470 туп ҳосилдор узум кўчатини, 200 туп икки йиллик шафтоли, 30 сотих ердаги сабзавот экинларини таг-томири билан қўпориб ташлашди. Энди хўжалик еридаги уйларимиздан ҳайдаб чиқармоқчи. Конституциямизнинг IX боб 37-моддасида: **ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир,** дейилган.

Ушбу масала юзасидан битилган расмий хатларга қаранг. Шеробод туман ҳокимлиги бош мутахассиси Т. Маматқуловнинг ҳокимнинг биринчи ўринбосари А. Чориевга билдиргисидан: 2000 йил 12 январда 2-сонли буйруққа асосан ўрмон хўжалигига бошлиқ этиб Бахтиёр Амиров тайинланган. «Роша» бўлимида ишлаган ариза муаллифларини ўз иш жойларидан озод қилиш тўғрисида Қумқўрғон ўрмон хўжалиги бошлиғи И. Абдуллаевнинг буйруғи қабул қилиниши лозим, — дейилган. Тўғриси, бош мутахассиснинг хатидан ўзимиз ҳам мантиқ топа олмадик.

1999 йилдаги «Ирригатор» ташкилоти тармоғида биз ишлаган Шеробод жабҳасининг харажатлари ва даромадлари қуйидагича: Ёнилғи мойлаш, минерал ўғитлар, эҳтиёт қисмлар, экилган мевали ва манзарали кўчатлар, ойлик маош, 40 фоизлик тўлов, транспорт харажатлари учун жами 618963 сўм сарфланган. Олинган даромад: кўчатлардан, ғалла ва маккажўхори, сабзавот-полиз, ҳўл мева ва узум ҳамда макка силосидан 1316840 сўмни ташкил қилади. 7,5 гектардан олинган даромад чакки эмас, демак шунга яраша меҳнат ҳам қилганмиз. Юқоридаги маълумотномани «Ирригатор» ташкилоти бошлиғи И. Абдуллаев ва бош ҳисобчи Р. Мамадиевлар қўл қўйиб, муҳр босиб тасдиқлашган.

Сурхондарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи О. Маматмўминовнинг туман бўлими бошлиғи А. Зиёқулов ва собиқ ишчилар Ш. Турдиев, Ф. Бегматов, С. Тиллаевларга деб юборган 93-сонли хати ҳам бизнинг ёнимизни олиб ёзилганди: «1999 йил 12 ноябрдаги 18-сонли фармойишга асосан «Роша» бўлими «Ирригатор» ўрмон хўжалигидан олиниб, Шеробод туман қишлоқ ва сув хўжалиги ихтиёрига берилган эди.

Меҳнат кодексига асосан юқоридаги исми ва фамилияси кўрсатилган ходимларни иш билан таъминлашингизни сўрайман». Мазкур хат жойларга етиб келди, амалда эса бажарилмади. Сарсончилик қачонгача?

■ **Шуҳрат ТУРДИЕВ,**
уста ўрмончи

ХДП ХАБАРИ

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Бўзатов тумани кенгашининг навбатдаги пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Р. Хожаметов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан, туман партия кенгаши биринчи котиби лавозимидан озод этилди.

Туман «Камолот» жамғармаси раиси бўлиб ишлаётган Женгисбой Аренов Ўзбекистон ХДП Бўзатов туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши биринчи котиби А. Асанов, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ж. Қўчқоров, туман ҳокими А. Жуманов иштирок этдилар.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ПАРТИЯ ХАЛҚ ОРАСИДА

Мамлакатимиз раҳбари И. А. Каримов ўз нутқлари ва асарларида қуйи бўғин ташкилотларида бўладиган ташаббусларни қўллаб-қувватлашни, уларга тўғри йўналиш беришни қайта-қайта уқтириб ўтмоқдалар.

Яқинда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» маҳалласи раҳбарияти ташаббуси билан туман маҳаллалари вакиллари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар раҳбарлари ва жойлардаги вакиллари иштирокида маroқли «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Иштирокчиларнинг асосий эътибори сиёсий партиялар фаолиятини халқ турмушига янада яқинлаштириш, маҳаллаларда бошланғич партия ташкилотларини тузиш ва улар ишини янада жонлантириш, сиёсий партия дастурларини ўрганишда фуқароларга кўмаклашиш, ёшларни турли оқимдаги диний ақидапарастлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш каби долзарб масалаларга қаратилди.

■ **Ўз мухбиримиз**

ТЕЖАМКОРЛИК ВА ҚУЛАЙЛИКНИ КЎЗЛАБ

«Араббой» фирмаси гарчи қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланса-да, асосий фаолиятини мамлакатимизга энг замонавий технологияларни олиб кириш ташкил этади. Чунончи, у қўёш нуридан фойдаланган ҳамда юқори самарали иситиш қозонлари қўлланилган ҳолда иситиш тизимлари билан шуғулланиб келмоқда. Бу борада фан ва техниканинг охирги ютуқлари кенг ўрганилмоқда. Германиянинг шу соҳадаги етакчи фирмалари билан алоқаларни мустаҳкамлаб, Тошкентда илк бор мунтазам ишловчи кўргазмани очди.

— Ҳозирга келиб, корхонамиз замона талабларига жавоб берувчи, Германияда ўз малакаларини ошириб келган лойиҳалаш, ускуналарни ўрнатиш ва сервис хизматини кўрсатувчи ходимларга эга, — дейди «Араббой» директори Деҳқонбой Арабов. — Айниқса Германиянинг «Viessmann» фирмаси билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Ниятимиз қулай ва тежамкор иситиш тизимларини мамлакатимизда жорий этишдир.

Дарҳақиқат, ҳозир Тошкентда фирма томонидан ўрнатилган ва ишга туширилган қўёш нури ёрдамида ишловчи қатор объектлар ишлаб турибди. Шуни алоҳида айтиб ўтиш мумкинки, ўзбек фирмаси лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ускуналарни танлаш ва ўрнатиш юзасидан ҳар қандай хорижий корхоналар билан рақобат қила олади.

■ **Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА**

ЎЗБЕК ДЕҲҚОНИ

МЕҲНАТ — РОҲАТ

Қуёш чарақлаган. Ғаллазор чайқалади. Раис Турсунхўжа Искандаров гўё мавжланаётган яшил денгиз бўйида ўтиргандек хаёлга чўмган. У нималар ҳақида ўйлаб, нималарни орзу қилаётган экан? Балки, бултур ўзи бошқараётган Алишер Навоий номли қишлоқ хўжалик корпорацияси жамоаси Қуйичирчиқ туманида илғорлар қатори хирмон кўтаргани ёдига келгандир.

Ҳа, ҳақиқатан ўтган йили бу хўжалик деҳқонлари учун омадли келди. Оз эмас, кўп эмас жами 2680 гектарлик майдонда шоли ва буғдойдан юқори ҳосил кўтарилди. Меҳнатлари зое кетмади. 201 миллион 710 минг сўмлик соф фойда олинди. Ахир, умумий даромад қарийб 490 миллион сўмни ташкил этганидан кейин самараси ҳам шунга яраша бўлади-да. Хўжалик деҳқонлари шолининг «ЎзРос 7-13» ҳамда «Авангард», шунингдек «Лазер» навларини танлаб янглишмадилар.

Сўзсиз оилавий пудратнинг самараси катта. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда шоли ҳосилдорлиги ошди. Бултур эса 57,8 центнердан ҳосил олинди. Бу йилги мўжал 60 центнер. Кишини бир нарса ўйлантиради. Бундай юксак натижаларга эришиш учун аввало жамоада моддий ва маънавий манфаатдорликнинг уйғун бўлиши тақозо этилади. Биз буни хўжалик бўйича ҳар бир ишчига ойига ўртача 43 минг 608 сўмдан даромад улашилганида кўрамиз. Хўжаликнинг айрим аъзолари эса 80 мингдан ортиқ даромад қилдилар.

Вилоятда шоличиликка ихтисослашган яна бир хўжалик бор. Бекободдаги «Янги ҳаёт» хўжалигида 2800 гектарлик майдонда шоли етиштирилади. Бу хўжаликда шоликорларга бериладиган ойлик 40 мингдан ошиқлиги жамоанинг илғорлар сафида турганидан нишонадир. Бу ерда экин-тикин ишлари замонавий технологияга асосланган. Бунинг эвазига 1,5 мингдан кўпроқ киши қўл меҳнатидан халос бўлди. А. Навоий номли қишлоқ хўжалик корпорациясида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Хусусан, газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор берилади. Мактабларнинг аълочи ўқувчиларига ҳар чоракда 3 минг сўм атрофида стипендия тўланмоқда. Ўқитувчиларга эса бепул шоли берилади.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ

Бугунги кунда Жиззах вилояти бўйича халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган 9 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири бўлган «МК — Трайдент» ўзбек-чехия қўшма корхонасида ўтган йили 112 тонна — 27.2 миллион сўмлик томат пастаси ишлаб чиқарилди. Энг муҳими, ана шу маҳсулотнинг 70 фоизи хорижга экспорт қилинди.

Бу йил қўшма корхонанинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш, экспорт салоҳиятини янада ошириш имкониятлари изланмоқда.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚУРИЛИШ — ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИДА

«ХАЛҚИМИЗГА БУНЁДКОРЛИК РУҲИ ЁРДИР!»

Бу туйғуни ҳар бир ватандошимиз қалбига сингдираётган, уни бунёдкор эл сифатида танитаётган юртбошимиз Ислом Каримовдир, — дейди Наманган вилоят прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Хусейн Сабиров.

Яратувчилик ҳисси халқимиз табиатига хос хусусият. Шунданми, бобомиз Амир Темур «қудратимизга шубҳа қилганлар биз қурган биноларга боқсин» деганлар. Бу гап ҳозир ҳам ўз қудратини йўқотмаган. Наманганда қурилишлар кўлами катта. Бу ишларнинг амалга оширилишида қонун талабаларига тўла риоя қилиняптими?

— Мустақиликка эришганимиздан сўнг Наманганда ҳам жуда кўп маданий-маиший иншоотлар қуриб битказилди. Уларнинг деярли ҳаммаси миллий меъморчилик анъаналарига асосланган ҳолда қад ростлади. «Паҳлавон» спорт мажмуи, «Жаҳон бозори», тиббиёт, маданият, енгил саноат, касб-ҳунар коллежлари шулар жумласидандир. Бу иншоотлар вилоятдаги 89 та пудрат корхоналари, юздан ортиқ қурилиш соҳасига тегишли ташкилотлар томонидан қуриб битказилди. Улар ўтган йили 14.1 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширганлар. Йил давомида ўзлаштирилган маблағ 1998 йилга таққослаганда солиштирма баҳоларда 100,4 фоизни ташкил этган.

Энди қурилишларнинг қонунийлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу соҳада бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда вилоят бўйича 161 та қурилиш бошланган иншоот бор. Шундан 37 тасида иш бутунлай тўхтаб қолган. 31 таси беш-ўн йиллардан бери битмай ётибди. Чустдаги туғуруқхона, Попдани акушерлик биноси, Янгиқўрғондаги юқумли касалликлар шифохонаси, Давлатобод туманидаги поликлиника, Наманган туманидаги 35-мактаб, Мингбулоқ туманидаги 37-мактаб, Чортоқ туман Алихон қишлоқ фуқаролари йиғини биносини бунга мисол қилиш мумкин.

Айрим раҳбарлар қурилиш ташкилотларига амалий ёрдам бермай, режада кўзда тутилмаган, лойиҳа-смета ҳужжати бўлмаган объектларга тўловни олдиндан амалга оширмай хизмат кўрсатиш ҳақида мажбурий кўрсатмалар бераётганликлари ҳам сабаб бўлмоқда. Оқибатда кўпгина ташкилотларда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўтган йилларга нисбатан кўпайиб кетган. Иш ҳақи ва бошқа тўловлардан қарздорлик эвазига кўп миқдорда устамалар тўланишга йўл қўйилган.

— Хусейн Мавланович, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 11 февралдаги мажлисида юртбошимиз кам қувватли ва зарар кўриб ишлаётган пудрат ташкилотлари фаолияти юзасидан прокуратура идораларига аниқ вазифалар қўйди. Вилоят прокуратураси бу борада нима ишлар қилмоқда?

— Вазирлар Маҳкамаси мажлисида тилга олинган ҳолатлар — қурилиши тугалланмаган, сифатсиз қурилган, кам аҳамиятли ёки режасиз қурилаётган бинолар юзасидан прокуратура идоралари томонидан умумий назорат тартибида аввал ҳам мунтазам текширишлар ўтказиб келинган. Яқинда республика Прокуратураси тавсиясига биноан тегишли мутахассисларни жалб этиб, вилоят Давлат статистика, молия, солиқ, банк ва иқтисодий ночор корхоналар фаолияти билан шуғулланувчи бошқармалардан маълумотлар олиниб, ҳақиқий аҳвол чуқур текшириб чиқилди. Бунда мазкур қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг ўта лоқайдлиги, смета ҳужжатларининг нотўғрилиги, молиялаштирмай туриб ёки кераксиз, режасиз, чуқур ўйламай қурилиши бошланган ўнлаб объектлар аниқланди.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига бюджет тизимларида бир неча йиллардан бери қурилиши тугалланмаган 68 та объект мавжудлигининг ўзиёқ аҳволнинг нақадар ташвишли эканлигини кўрсатиб турибди. Жумладан, маориф соҳасида 29 та, соғлиқни сақлаш тизимида 18 та ва бошқа соҳалардаги 21 та қурилиш «туя гўшти» еб ётибди. Ўтган йиллар мобайнида қишлоқ жойларида, мактаблар, шифохоналар қурилиши режалари тўла бажарилмаган.

Мавжуд қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар текширилганда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Айрим туман раҳбарлари ҳам, қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаётган ташкилотларнинг, улардаги ишчиларнинг тақдирига бефарқ қарамоқдалар. Шуни ҳисобга олиб биз вилоят ҳокимлиги билан биргаликда кам қувватли ва зарар кўриб ишлаётган қурилиш ташкилотларининг 53 тасини 15 тага келтириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ўз хулосамизни бердик.

Давлат статистика идораларидан ўтган йил якуни бўйича маълумотлар олиниб таҳлил қилинганда вилоятда 28 та кам қувватли ва зарар кўриб ишлаётган қурилиш ташкилотлари борлиги маълум бўлди. Ўтган йилни Чустдаги 6-ХМКК 1 млн. 297 минг, Косонсойдаги 151-ХМКК 708 минг, Тўрақўрғондаги 7-агроқурилиш ташкилоти 133 минг сўм зарар билан якунлаганлар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Сиз юқорида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ортиб кетганлигини тилга олдингиз. Шу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши дебиторлик қарзлари пайдо бўлмаслигининг гаровидир. Шуни ҳисобга олиб, прокуратура идоралари Президентимизнинг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб келмоқда.

Умуман вилоятдаги қурилиш ташкилотларининг муддати ўтган дебиторлик қарзи 3 млн. 947 минг сўмни, муддати ўтган кредиторлик қарзлари эса 151 млн. 959 минг сўмни ташкил этади. Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан текширишлар олиб борилмоқда. Қарзларни ундириш юзасидан даъво аризалари қўзғатилиб, хўжалик судига юборилмоқда. Қўпол қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатиш чоралари кўрилмоқда.

Косонсой туманидаги «Агрокоммунстройремонт» корхонаси бошлиғи А. Умаров ва бош ҳисобчиси А. Ҳалиловлар ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб, корхонанинг дебитор қарзларини ўз вақтида ундириш чораларини кўрмаганлар. Мутахассислар томонидан ўтказилган текширишларда иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушган корхонага 659,0 минг сўм зарар етказилгани маълум бўлди.

Корхона бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажара олмаган. Аччинарлиси шундаки, бу раҳбарларнинг бепарволиги оддий ишчи ва хизматчилар ойлик маошларини ўз вақтида ололмасликларига сабаб бўлган.

Мана шундай масъулиятсизликка шу тумандаги хўжаликлараро механизациялашган кўчма корхонаси раҳбарлари ҳам мубтало бўлишган. Унинг бошлиғи А.Қаландаров ва бош ҳисобчи К. Олимхўжаевларнинг «ташаббуси» билан корхонада тўлов муддати ўтказиб юборилган 907,0 минг сўм дебитор қарз вужудга келиб, бу сумманинг 707,0 минг сўми ярим йилдирки ундирилмаган. Оқибатда солиқ ва тўловлардан устамаси билан 970,0 минг сўм, пенсия жамғармасидан 447,0 минг сўм, туман меҳнат бўлимидан 44,0 минг сўм, банкдан 20,0 минг сўм, корхона хизматчиларининг иш ҳақидан яқин 313,0 минг сўм қарздор бўлиб, корхона манфаатига устамалар ҳисобига 410,0 минг сўм моддий зарар етказилган.

Бундай аҳвол Поп туманидаги «Агроқурилиштаъмирлаш» корхонасида ҳам ҳукм сурмоқда. Унинг раҳбари С.Турсуновнинг айби билан корхонанинг мажбурий тўловлардан қарзи 2,5 миллион сўмдан ортиқдир. Бу 720,0 минг сўм моддий зарар етказилди демакдир. Шу каби Учқўрғондаги 70-қурилиш-таъмирлаш ҳиссадорлик жамияти раиси Н.Шералиев ва бош ҳисобчи А.Турсуновларнинг лоқайдлиги туфайли 2 млн. сўмлик дебитор ва 2,5 млн. сўмлик кредитор, шу жумладан, ишчиларнинг иш ҳақидан 394,0 минг. сўм қарздорлик ҳолати аниқланди.

Прокуратура идоралари томонидан бундай ноқонуний ҳолатларга чек қўйилди. Ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари вилоят прокуратурасига таклиф қилиниб, улардан тушунтириш хатлари олинди. Қонун талаблари тушунтирилди. Юқорида номлари кўрсатиб ўтилган шахсларга нисбатан мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ўз вазифасига совуққонлик билан қараш ва хизмат сохтакорлиги билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатларига киришилди.

— Бу борада аниқланган жиноий хатти-ҳаракатлардан яна мисоллар келтирсангиз. Прокурорлик таъсир чоралари ҳақида ҳам...

— Чустдаги «Садо» қурилиштаъмирлаш жамоа корхонасининг молиявий-иқтисодий ҳолати ночор. Бунга сабаб бошлиқ М.Муртазоев ва бош ҳисобчи И.Майинжоновлардир. Уларнинг айби билан корхона ўзининг асосий фаолияти — қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғулланмаган. Оқибатда ўтган йилни 1,5 миллион сўм зарар билан якунлаган. Шу раҳбарлар банкротлик ҳолатини яшириб, давлат статистика ва солиқ идораларига нотўғри маълумотлар тақдим этишган. Ҳисобот ҳужжатларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий ночорлик ҳолати қасддан яширилган. Оқибатда кредиторлар — «Само» корхонаси 297,0 минг, «Сувоқава» корхонаси 281,0 минг, 91-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма 146,0 минг сўм зарар кўрганлар. Юқоридаги раҳбарларга нисбатан банкротликни яшириш ҳаракатлари учун Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Попдаги «Агроқурилиштаъмирлаш», 124-қурилиш-таъмирлаш, Чустдаги «Садо», 3-қишлоқ қурилиши, Косонсой хўжаликлараро агрокоммунал қурилиш-таъмирлаш, 3-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма, Наманган туманидаги 183-қурилиштаъмирлаш, «Агроқурилиштаъмирлаш» корхоналари иқтисодий ночорликка учраганликлари туфайли банкрот деб этироф этиш ҳақида вилоят хўжалик судига аризалар юборилди.

Текширувлар якунига кўра қонунбузиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан юқорида номлари зикр этилган ташкилот раҳбарлари номига 11 та тақдимнома, 6 та амрнома киритилди. 12 нафар шахс интизомий, 18 нафари маъмурий, 12 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди ва 8 та жиноят иши қўзғатилди. Текширишларда аниқланган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан вилоят ҳокимлигига тақдимнома юборилди.

— Кўрилган ушбу таъсир чоралар етарлими?

— Маълумки, прокуратура идоралари қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этиши устидан назоратни амалга оширади. Шундан келиб чиқиб, кўрилган прокурорлик таъсир чораларини етарли деб биламан. Гап фақат жазолашдангина иборат эмас. Балки асосий мақсадимиз қурилишлар узоқ йиллар давомида халқимизга хизмат қилишини эътиборга олсак у ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Бу ҳақда шу соҳада ишлаб келаётган ташкилотларнинг мутахассислари изланишлари, ўзларининг бутун фаолиятларини тармоқнинг истиқболи учун сафарбар қилишлари керак. Қурилишни режалаштиришдан тортиб, уни фойдаланишга топширишгача бўлган ишлар аввало мақсадли бўлсин, қурилишларда узилиш бўлмасин. Аммо, шу иш билан боғлиқ ташкилотнинг оддий дурадгоридан тортиб тегишли вазирликларнинг масъул ходимигача бу соҳада аниқ ва пухта иш ташкил этишлари зарур.

«Раҳбар одам бошқаларга нисбатан узоқроқни кўриши керак. У нафақат бугунни, балки, эртанги кунни аниқ тасаввур этиб ишлаши, келажакнинг ташвиши билан яшаши зарур», — деб таъкидладилар юртбошимиз. Ушбу сўзларни барча поғонадаги раҳбарлар қатори қурувчиларимиз ўзлари учун шиор қилиб, Наманган гуллар шаҳри бўлиши билан бирга уни обод ва кўркам гўшага айлантирадилар деб ишонаман. Негаки, бунёдкорлик халқимизнинг қадим тарихи ва руҳиятига ёрдир.

■ **«Ўзбекистон овози» мухбири Алимқул СУЛТОНОВ суҳбатлашди**

БИЛАСИЗМИ?

ОЙГА БОРИШ МУМКИН ЭКАН...

Инсоният туғилиб, оёғи «чиққан»дан бошлаб юрганиюрган. Бир кунда қанча юради, бир ойда-чи, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Буни ҳисоблаб ўтиришга сиз билан бизнинг вақтимиз йўқ. Бироқ, биолог олимлар бунинг ҳам ҳисобига етишган. Қисқаси, бир кунда одамзод ўрта ҳисобда 20 минг қадам, бир йилда эса 7 миллион қадам босар экан. Агар ўртача умрни 70 йил деб қарайдиган бўлсак, шу умр мобайнида бу рақам 500 миллионни ташкил этаркан. Шундай қилиб инсоният умри давомида Ойга бориши мумкин, ёки бу масофа Ер шарини экватор чизиғи бўйлаб ўн марта айланиб чиқиш билан тенг экан.

12 ЙИЛДА 1 МИЛЛИАРДГА КЎПАЙИБДИ-Я...

Хабарингиз бўлса керак, 1999 йил кузида сайёрамиз одамлари олти миллиардга етганлиги, аҳолининг ўсиши тезлашгани ҳақида оммавий ахборот воситаларида ёзилди ва айтилди. Хўш, аҳоли сонининг тез ўсишига сабаб нима экан-а?

БМТнинг аҳолишунослик бўйича экспертлари айтишларича, дунё аҳолисининг кўпайишида XX аср муҳим роль ўйнаган ва одамлар турмуш шароитининг яхшиланиши баробарида умр кўриш узайганлиги боис, аҳолининг тез кўпайиши кузатилган. Маълумки, ўтган йил октябрда аҳоли сони олти миллиардга етган эди. Қизиғи шундаки, атиги ўн икки йилда башарият 5 миллиарддан 6 миллиард кўрсаткичга чиқиб олган. БМТнинг аҳолишунослик муаммолари бўйича шуғулланувчи бюроси тарқатган ҳисоб-китобларга қараганда, XIX асрда аҳоли атиги 600 миллион кишига кўпайган бўлса, ушбу кузатаётган асримизда эса 4,4 миллиардга ўсган. Аҳоли ўсишининг 98 фоизи ривожланган мамлакатларга тўғри келади.

■ **Дилафруз МУСАБОЕВА**



Жанубий Корея иссиқхоналарида

ЭКОЛОГИК ХАВФ ЯНА ТАСДИҒИНИ ТОПДИ

Антарктидадаги «Восток» станциясида музликни бурғилаш ишларида кузатувлар олиб борган халқаро олимлар гуруҳи сайёрамизга ҳалокатли экологик хавф чанг солаётганлигини тасдиқловчи яна бир омилга дуч келдилар. Гап шундаки, музликни пружинасимон қилиб 3,2 километр чуқурликкача бурғилаб, юзага тортиб олишган ва синчиклаб ўрганишган. Кимёвий таҳлиллар шуни кўрсатдики, музликнинг энг таг қисми (бу қатлам 420 минг йил аввал ҳам бор эди) соф, тоза бўлгани ҳолда юза қисмига кўтарилгани сари таркибида турли газлар ва бошқа зарарли моддалар кўп кузатилган.

Бурғилашда қатнашган олимларнинг айтишларича, XX асрга келиб, атмосферада углерод икки оксиди икки баробар, метан таркиби эса беш баробарга кўпайиб кетган. «Нейчюр» журнали экспертларининг ёзишларича, атмосферадаги бундай ҳол ёнилғиларнинг кўплаб миқдорда (асосан транспортда) фойдаланиш оқибатида юзага келмоқда экан. Агар атмосферада углерод икки оксиди ва метаннинг кўпайиши яна шундай давом этаверса, сайёрамиз экологияси ҳалокат ёқасига келиб қолиши мумкин, деб огоҳлантиришмоқда олимлар.

КУТУБХОНАЧИ РОБОТ

Янги Зеландиянинг «Толкинг технолоджис» компанияси ихтирочилари электрон кутубхоначининг янги намунасини яратишди. Яқин орада бундай кутубхоначилар кўплаб чиқарила бошлайди.

«Форэйжер» дея номланган бу робот кутубхоначи бажариши керак бўлган барча ишларни қила олади, яъни телефонда мижоз билан гаплашади, факс орқали ёки электрон почта орқали хат ё бошқа жўнатмаларни юборади, ҳатто китобхонга кутубхонада қандай китоблар борлиги ва улар ҳақида қисқача маълумот ҳам бера олади. Шунингдек, агар сўралса ким қандай китобни олганлиги ва ҳали қайтариб берган-бермаганлигини ҳам айтиб беради. Керак бўлса, мижознинг қизиқишига қараб, унга мос китобларни тавсия этиши мумкин.

«Форэйжер»нинг электрон «мияси» 20 миллион жараённи бажара олиш қувватига эга.

Қизиғи шундаки, роботнинг мақтовга сазовор «хусусиятлари»дан ташқари, унга «ўжарлик феъл-атвори» ҳам сингдирилган, яъни олган китобингизни топширмай туриб, яна олмоқчи бўлсангиз бермайди. Бундан ташқари кимки агар китоб топшириш муддатини ўтказиб юборса, ўша кундан бошлаб мижозга тинчлик йўқ, яъни аввалига мулойимлик билан унинг уйига телефон орқали қўнғироқ қилади ва китобни кутубхонага топширишни уқтиради. Агар «топширик» шу куни бажарилмаса, эртасига «қаттиқроқ» гапиради, ҳамда буюртмачи ва ижрочи ҳақ-ҳуқуқларини эслатиб қўяди. Агар шундаям китоб қайтарилмаса, роботнинг ўжарлиги тутади-да, мижозникига тунда уйқудан безовта қилиб, телефон «қоқади» ва бу китоб қайтарилмагунча давом этаверади.

■ **Зулхумор АБДУРАҲМОН қизи тайёрлади.**

Йўлдош МУҚИМОВ, Азим СУЮН

БОҚИЙ НАВРЎЗ

(Киноқисса)

III

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА ҚАЙГА БОРАЙ ДАВОГА...

Арзу-самодан сухандон овози янграйди:

... Эриб ерда қор ва муз,
Келар оламга Наврўз,
Яроқлар офтоб юлдуз.
Энди оёғинг тинмас,
Қўлинг-қўлингга тегмас,
Югуриб кеча-кундуз.
Тайёрмикан қўш-хўкиз,
Қилай ҳаммага кўз-кўз.
Қани далага чиқсин,
Оқин борми, чечан сўз!
Ўлан-қўшиқ айтишсин,
Чалиб дўмбира, қўбуз.

Шамол ҳур-ҳур эссин-о,
Боғлар аро кезсин-о,
Далаларда елсин-о,
Баҳор фасли келсин-о
Наврўз сайили келсин-о!

Ҳамал дар амал, дерлар,
Тенги йўқ маҳал, дерлар,
Ҳаммаёқ зарҳал, дерлар,
Яйлову-пайкал, дерлар,
Гулларга маҳтал, дерлар,
Бахшига масал, дерлар,
Тилингга асал, дерлар,
Азалдан азал, дерлар,
Ҳамал ой гўзал, дерлар...

Наврўз сайили куни эрта тонгдан теварак-атрофни ноғора ва доира оҳанглари қоплайди, жарчининг овози янграйди.

Кел,кел, ҳой,
Йўл бер ҳой!
Эл, эл, ҳой,
Қўл бер, ҳой,
Қўл бер, ҳой.

Енгил ел елар,
Ҳамал ҳам келар,
Амал ҳам келар,
Ишлаган терлар...
Ҳой, ҳой, ҳой,
Ҳой, ҳой, ҳой.

Сайил бу ёнда,
Майдон бу ёнда,
Ўйнагани кел,
Сўйлагани кел,
Куйлагани кел,
Қувнагани кел!

Беллашгани кел,
Эллашгани кел,
Қўллашгани кел,
Келмасанг ҳам кел,
Кел, кел, ҳой,
Қўл бер, ҳой!

Қушдай учиб кел,
Уй-уй кўчиб кел,
Отинг миниб кел,
Кучга эниб кел!

Қани томоша.
Мана томоша!
Сайил-томоша,
Қойил томоша,
Кел, ҳой кел,
Келиб қўлинг бер!

Эрталабдан сайил майдонига тўда-тўда болалар жарчининг чорловига ҳамоҳанг қилиб, қадимий ёмғир чақириш қўшиғини айтиб боришади:

Момоқалдироқ, Момоқалдироқ,
Пўстагингни қоқ, туну кун уйғоқ,
Момоқалдироқ, Момоқалдироқ,
Тутдиму тўлғоқ, титрар ҳаммаёқ,
Момоқалдироқ, Момоқалдироқ,
Ер-заминга боқ, далалар чанқоқ.
Момоқалдироқ, Момоқалдироқ,
Ёмғир ёғалоқ, майса тўртқулоқ,
Ям-яшил ўтлоқ, яйрар қўзичоқ,
Кишнайди тойчоқ, келақол ўртоқ!

Халқ сайил ўтадиган майдон сари бетиним оқади. Майдоннинг икки буржида қўшалоқ дошқозонлар қайнайди. Бир қозонда тайёр бўлган сумалакдан қозон теграсида яйраб-яшнаб юрган болаларга улашилмоқда. Коса ва пиёлалар, лагандаги сумалакдан жимжилоқ ила олиб ялашадилар, «Янаги йилларда ҳам иди Наврўзга, сумалак сайилига етайлик!» дея эзгу ниятлар қиладилар. Майдоннинг яна бир ёғида қўш оши, ҳалим-ҳалиса қайнайди.

Майдон марказида, тўрт тарафдан баб-баравар кўринадиган жойда Бободеҳқон қад кўтариб, узоқларга назар ташлаб туради. Бободеҳқон донишмандлик, мўлкўлчилик, маъмурчилик тимсоли. Қадим-қадимдан қолган таомилга кўра бўлажак ёш деҳқонлар Наврўз сайили кунлари Бободеҳқонга сиғиниб, ундан қўл олганлар. Бободеҳқонга таъзим бажо келтириб, дуосидан баҳраманд бўлгач, ўз боболари ёки оталари, агар етим эрсалар, қишлоқнинг энг ҳурматли оқсоқол деҳқони билан биргаликда далага чиққанлар, қўш қўшиб ер ҳайдашни илк бор ўшалардан ўрганганлар.

Бободеҳқоннинг бошидаги салласи ва соқоли, қоши оппоқ пахтадан. Арпа ва буғдой бошоқларидан мўйлов.

Бободеҳқон турган сайил майдонида улкан гулхан ёқилиб, унинг атрофида турли-туман ўйин-томошалар ўтказилади. Юзига ниқоб кийиб олган сеҳрли кишилар гулхан устидан, у ёқдан бу ёққа сакраб, ўз эпчилликларини намойиш қилишади.

Ана шу «Сеҳрли кишилар» орасида улар қиёфасида Аямажуз ила шайтон ҳам аралашиб юради ва одамларни чалғитади. Агарда улар одамларни уриштириб, жанжал чиқариб, қочиб кетишса, ёмон аломат. Йил қурғоқ, ҳосил кам. Чунки одамлар бир-бирлари ила иноқ бўлиб эмас, тарқоқ ҳолда ер-сув устида низо қилиб ишлаганлар. Барака бўлмаган. Шунинг учун ҳам «Бир дақиқалик жанжал минг кунлик баракани ейди» дейилган. Борди-ю гулхан атрофида ўйнаётган эпчиллар ҳушёрлик қилиб шайтон ила Аямажузни таниб, пайқаб қолсалар ва ёниб турган гулханга ташласалар, элу-юрт низодан холи, ризоликда, опоқ-чопоқ бўлиб яшаган. Шунинг учун ҳам гулхан атрофида ўйнаётганлар ниҳоятда ҳушёр, сезгир, зийрак бўлганлар. Ниқоб кийган сеҳрли кишилар шайтон ила Аямажузни тутиб, оловга улоқтириб ташлаб, қўшиқ айтганлар:

Даврамиздан кет ёмон,
Аямажузми, шайтон.
Бошинг эзар оломон,
Қўлида қилич-қалқон.

Ёвни қув-о, ёвни қув,
Изларини йўлдан юв.
Элинг омон-сен омон,
Элим омон-мен омон.

Хушёр бўлайлик, уйғоқ,
Иноқ бўлайлик, ўртоқ,
Сергак бўлайлик, зийрак,
Сергаклик кунда керак.
Орамизда бўлса ёт.
Ҳаргиз татимас ҳаёт
Ол, шайтонни ўтга от,
Аямажузни йўқот!

Ёвни қув-о, ёвни қув,
Изларини йўлдан юв.
Элинг омон-сен омон,
Элим омон-мен омон.

Ёвни қувиб, даврани ётлардан халос қилиб бўлгач, худди маҳобатли Бободеҳқонга ўхшаш салобатли, муҳтарам зот оқсоқол Бободеҳқон ёнига аста-секин қадам ташлаб боради, унга таъзим қилиб, салом беради, оҳангдор қилиб табрик сўзларини айтади:

Ассалом, табаррук, Бузруквор Падар,
Донишмандсен, мўътабардан мўътабар!
Ҳикматларга тимсол бўлган бошинг бор,
Қирқ элатга шоҳ бўлгудек ёшинг бор.
Арпа, буғдой бошоғидан қошинг бор,
Кучга тўлиқ минг-минглаб йўлдошинг бор.
Оёқ бердим манзилингга етгин, деб,
Қўл ясадим, эзгу ишлар этгин, деб.
Соқол қўйдим ҳар бир туки сеҳргар,
Бармоқларинг беш барака, экар зар.
Тиш қададим бари асил садафдан,
Қўрқчидай қарашадур бир сафдан.
Қолишмайдур ялтирашда тиллодан,
Юз ва кўзинг аримасин жилодан.
Бахт тиларимиз элга кўкдан, худодан,
Кеча-кундуз тинмасмиз илтижодан...
Бободеҳқон умринг бўлсин зиёда,
Бевақт кетма толеимизга дунёдан...

Оқсоқол табрик сўзини тугатгандан сўнг қишлоқ деҳқонлари бирин-кетин келиб, ўзларининг қутлуғ пирлари ҳисобланмиш Бободеҳқоннинг этагига ёки тўрвасига солиб қўйилган буғдой ва арпа уруғидан халта-тўрвачаларга, ёки ховучлаб, чўнтак тўлдириб оладилар. Ирим, қадим удум юзасидан «Хирмонимиз чошу-чош бўлсин, еганимиз нону-ош бўлсин!» дейдилар. Шу топда кексалар ва қутлуғ уруғ олганлар юзларига фотиҳа тортадилар, этакларига уруғлик тўлдириб, тилак тилайдилар:

Ё Бободеҳқон, менинг қўлим эмас, сенинг қўлинг,
Ё Бободеҳқон, менинг йўлим эмас, сенинг йўлинг.
Ё Бободеҳқон, сен қўлласанг, тўқ кўнглим, тўлиқ қўйним,
Сен қўлласанг, бутундир ноним, тўкундир дастурхоним...
Ё Бободеҳқон, сен қўлласанг мўл-кўл ризқ-рўзимиз.
Ё Бободеҳқон, сен қўлласанг равшан қароғ-кўзимиз,

дейдилар деҳқонлар этакларига уруғлик тўлдира туриб.

Худди ана шу унутилмас дамларда деҳқонлар барака уруғи олиб кетаётганларида қишлоқдаги чечан сўзлардан бири «Чорлар Момо Ер» қўшиғини хиргойи қилиб туради:

Чорлар Момо Ер, чорлар Момо Ер,
«Қалб қўрингни бер, неъматин сўнг тер!»
«Тўкиб турсанг тер, тўйғизаман дер,
«Уйингни бахтга тўлғизаман» дер...

Шундан сўнгра ёш-яланглар ва ҳатто кекса чоллар ҳам давра ўртасига чиқиб «Қўш оши» лапарини айтиб, рақсга тушадилар.

Хўкиз шохи мойланди,
Яроқ-яроқ товланди.
Бўйинтуруқ бойланди,
Далаларга шайланди.
Пишиб қолди қўш оши,
Қўш оши йилнинг боши.

(Давоми 4-бетда)

БОҚИЙ НАВРЎЗ

(Киноқисса)

(Давоми. Боши 3-бетда)

Ҳамма ёвонга чиқди,
Қолмасдан қари-ёши.

Оёғимда узанги,
Омочимда бор занги,
Эгов қилиб, ёғласам,
Бўлиб қоладир янги.

Ёрма-ёронлар оши,
Палов аёнлар оши.
Қўш ош барака оши,
Омборлар тўлиб тошир.

Келинглар, ҳо келинглар,
Қўш оши пишди, енглар.
Қўш ошига етказган,
Тангрига шукр денглар.

«Қўш оши» лапари тугагандан кейин майдонга бошқа бир гуруҳ, ялангтўш, бўз йигит ва бир қиз отилиб чиқади. Иккаласининг ҳам қўлида қайроқ. Ўйинга қизғин тушиб кетадилар. Сакраб-сакраб, дам ер узра, дам ҳавода муаллақ туриб, рақсга тушаётгандай туюладилар, чақмоқдай чаққон чақин чақиб, елдиримдай еладилар...

Қиз:
Қор-ёмғир ернинг қони.
Азал деҳқоннинг жони.
Нозу-неъматлар кони,
Тўладур дастурхони.
Оқмай қолмасин булоқ,
Тезроқ эри қорли тоғ.
Азим дарё бўлиб оқ,
Сувингга ҳамма муштоқ.
Гулласин боғу-чорвоқ,
Ўйна қўлимда қайроқ.
Қувна қўлимда қайроқ.
Яккалакка ўйнасамми,
Яккалакка ўйнасами,
Отам рози бўлсалар,
Дукалакка ўйнасамман.

Йигит: Ариқ суви лойлансин,
Оқиб кетмай бойлансин.
Далалардан айлансин,
Ҳансирайди ер чанқоқ.
Дарё боши кўп узоқ.
Яйра қўлимда қайроқ.
Сайра қўлимда қайроқ,
Яккалакка ўйнасамми.
Яккалакка ўйнасамми,
Онам рози бўлсалар,
Дукалакка ўйнасамми.

Қиз: Сувга кетувди мироб,
Юрагим бўлди хуноб.
Экин унаркин қандоғ,
Гармоб ичмай, емай тоб.
Ўйна қўлимда қайроқ,
Қувна қўлимда қайроқ.
Яккалакка ўйнасамми.
Яккалакка ўйнасамми,
Акам рози бўлсалар,
Дукалакка ўйнасамман.

Йигит: Ўлдурса, ёр ўлдурса,
Куйдурса, ёр куйдурса
Кел олайин бир бўса...

Йигит қизнинг юзини очади, бўса олмоқчи бўлади, бироқ қиз ўрнида аёл кийимини кийган йигитни кўради ва жеркиб, дейди:

Юзинг қурсин, кет кўса...

Орқага кескин бурилиб, қўшиқни давом эттирганича давранинг бошқа томонига рақс қилиб ўтиб кетади:

Яккалакка ўйнасамми.
Яккалакка ўйнасамми,
Ёрим жавоб берсалар,
Дукалакка ўйнасамми.

Ёнаётган гулхан атрофида қошига ўсма ва кўзига сурма суртган, ясанган-тусанган қизлар ва оқ бўз яктак кийган ялангтўш йигитлар тўпланадилар ва улар ҳалқа шаклида давра қуриб яйраб ўйнашадилар:

Йигитлар:
Қизлар зулфи камалак,
Белларида жамалак,
Кўриб кўзинг қамашар,
Фариштами ё малак!

Қизлар:
Фалакдан тушган малак
Биз билан тутиш билак!
Пиширайлик сумалак,
Дилимизда минг тилак...

Бирга:
Учиб келади лайлак,
Кўчиб келади лайлак,
Эрибдими ерда ях,
Тугабтими яхмалак?

Қизлар:
Арғимчоғу, арғимчоқ,
Тортиб келдим ёвурчоқ
Наврўз куни меҳмон кўп,
Нон ёпайлик қирқ қучоқ.

Йигитлар:
Арғимчоғу, арғимчоқ,
Қизларимиз кўз мунчоқ,
Олов бўлиб ёнишур,
Ҳаддинг сиғса олиб боқ!

Қизлар:
Арғимчоғу, арғимчоқ,
арғимчоғим ўйинчоқ,
Арғимчоқни тебратмас,
Йигитлар ялқов, чарчоқ.

Бирга:
Арғимчоғим, арғимчоқ,
Ҳалқа узилса чатоқ,
Сафимиз бузилмасин,
Қўлингни бергил, ўртоқ!..

Бир зум тўхтаб нафас ростлаб янги лапар бошлайдилар:

Қизлар:
Ҳалинчак, ҳо ҳалинчак,
Ҳалинчагим тўрт бурчак,
Ҳузур-ҳаловат экан,
Бунда тебраниб учмак.

Йигитлар:
Ҳалинчак, ҳо ҳалинчак,
Ҳалинчакда келинчак,
Ёш боладай ўйнаса,
Кулиб узилар ичак.

Ёқинг, гулхан авжга минсин,
Жин-ажина қочишади,
Одам Ато, Момо Ҳаво,
Қут-барака сочишади...

Қўшиқ бир лаҳза тиниб, бошқача оҳангда давом этади...

Узоқ осмону фалак,
Қаерда ўттиз малак?
Солмасанг тез туз-намак,
Қачон пишур сумалак?

Чақмоқ чақур камалак,
Қозон тўла сумалак,
Сайилдан олиб дарак,
Кўкдан тушди минг малак.

Қўзғасам тош-чағирлар,
Қувнар дилу бағирлар,
Есин тўйиб ва тўйиб,
Етим-есир сағирлар.

Ош таги чақир-чуқур,
Тошу капгир урушур.
Олов ёқ гулдур-гулдур,
Айниди ҳаво ўлгур...

Шу дақиқаларда таҳликали мусиқа садолари янграйди. Қўшиқ узилади, давра бузилади.. Сайилгоҳга бир гуруҳ Оврупоча кийинган одамлар кириб келади. Ҳаммаси қора либосли. Гуруҳга бошчилик қилиб келган киши улар орасида алоҳида ажралиб туради. Унга эргашганларнинг либоси қора рангли матоҳдан тикилган бўлса, бошлиқнинг буткул кийимкечаги бошдан-оёқ қора чармдан:

Ҳарбийлар кийимига монанд қора гимнастёрка, қора чармдан икки қанотли галифе шим, қора хром этик, белида қора чармдан қайишкамар, бошида қора чармдан тикилган кепка-лаппар... Миниб келган оти ҳам қора тўриқ, отнинг эгари ҳам қора чарм ила қопланган. Тўриқнинг яғринидаги ёпинғич ҳам қора чармдан.

Бошлиқнинг қора чарм калта курткаси этаклари остидан тақилган қора қинли ханжарсимон қилич ва қора ғилофли тўппонча аҳён-аҳёнда кўриниб қолади.

Бу қуроллар либос остидан яширин бўлсалар-да, уларнинг соҳиби қалтисроқ қимирлаб қўйганида кўзга ташланиб туради. Қалтис қимирлаш эса ҳар дам, ҳар дамда, тез-тез қайтилади.

Бошлиқнинг бутун қиёфасидан, авзойидан даҳшату ваҳшат ёғилиб, кўз ва юзларидан, қовоғидан қоронғулик томиб туради. Исми ҳам совуқ ва ёвуз шамол уфуриб турган жисмига мос ва хос: Қамчи Қаҳриманович Қиронов...

— О, бу Қаҳриманович эмас, Аҳриманович — ёнидаги дўстининг қулоғига шипшийди тўда орасидаги томошабинлардан бири ваҳима ичра. — Ёвузлар ёвузи Аҳриманнинг арзандаси...

— Қандай унинг арзандаси бўларкан, у қачон яшагану, бу қачон яшаяпти. Афсонангни бошқа бировга айт!

— Ахир бобою момолар афсоналарни бежиз айтмаганлар...

Аҳман-Даҳман деган эгизак ўғлонлари бўлган ул ёвузнинг. Ҳар йили баҳорда тўстўполонни, бўрону тўзонни ўшалар олиб келади-да! Аямажуз деган опалари ҳам бор. Унинг қаҳрига ҳеч ким йўлиқмасин!..

— Аямажуз деганинг ҳалиги Айём кампирми?

Тўс-тўполонни каттаси ўша-да, ахир. Айём кампир кунларида сочини ювган хотинлар боши қалтироқ бўлиб қолади, дейдилар. Буям ўшалар зотидан-да, бўлмаса!

— Ҳа, Аҳман-Даҳман Айём кампирни инилари, — ундабунда давраларда юриб эшитганман. Бир билоғон олим айтган эдики, Аҳриман қоронғулик худоси бўлганидан қоп-қора либос, қоп-қора ниқоб кийиб юрадир. Ҳурмузга — Ёруғлик худосига ҳамла қиладир. Аҳриман ҳамиша, қаерда бўлмасин, қаерда юрмасин, ёмонлар орасидан издошлар қидириб, ўзига ўхшаш қора ниятли арзандалар топадир... Бундоғлар ҳар бир замон, ҳар бир маконда учраб турадир. Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога... Бунақа арзандалар айни Аҳриманнинг ўзгинаси: Бадбашара, шалпангқулоқ, дўнгманглай, шўртанглай.

Дарҳақиқат, Қамчи Қаҳриманович ҳам худди шундай афт-ангорли. Қилмиши Аҳрманникидан ўтса ўтадию, кам эмас. Шул боис Қаҳриманович-да! Ҳеч қачон қовоғин очмас, отдан тушса ҳам, эгардан тушмас. От миниб тўймас, ҳуда-буҳуда йўрғалатиб, жўрқиллатишин қўймас. Бордию пиёда юргудек бўлиб қолса ҳам қамчисиз юришни суймас. Мудом қамчи ўйнатиб юриш — Қамчи Қаҳримановичнинг севган одати.

Эл юрт аро Қаҳриманович хусусида ривоятлар тўқилган. Чунончи, болалар бешикда ухламай инжиқлик қилаверсалар, «Жим бўл, Қамчи Қаҳриманович Қиронов келаяпти» десалар бас. Бола ўша топдаёқ овозини ўчиради, кўзини юмиб, ўзини ухлаганга солади.

Қамчи Қаҳримановичнинг лақаби ўзига ёқади. Бошқаларнинг оғзидан «Қамчи Қаҳриманович айтдилар ё Қамчи Қаҳриманович буюрдилар» деган гапларни эшитса, йўталиб-йўталиб қўяди, талтайиб гимнастёркасининг ёқасини тузатиб, қайиш-камарини тортиб, бирор ёққа отланаётгандай шайланади ёки қадди-қоматини ростлайди, гарданини ғоздай чўзади, кўриб қўйинглар, «Мен кимман» дегандай бўлади...

Қамчи Қаҳримановичнинг яна бир лақаби бор: «Калтадум» деб ҳам атайдилар. Кийимларининг этаклари калта бўлганлиги учун шунақа лақаб олган. Бироқ ушбу лақаб унга ёқмайди, эшитганда афтини буриштиради.

Мана, Қамчи Қаҳриманович Қиронов этик устидан шалвираб осилиб турган икки қанотли галифе шимини кўз-кўз қилиб, сайилгоҳ марказига ўтар экан, ўртада қад кўтариб турган, Бободеҳқон тимсолининг икки биқинига икки мартадан тепди ва бақирди:

— Йиғитинг буни! Улоқтиринг! Мажақлаб ташланг!

Бободеҳқонни Қамчи Қаҳримановичнинг шогирдларидан бири ҳам тепган эди, не сўз ила айтиш керакки, латта-путтадан қуроқ қилиб ясалган ёғоч кўғирчоқ бошлиқнинг устига ағаниб тушди. Қий-чув, тўполон кўтарилди.

— Бободеҳқон урди уни, Бободеҳқон жазосини берди! Баттар бўлсин!

— Тўхтатинг одамларни, тўхтатинг! — қичқирди Қамчи Қаҳриманович ўрнидан йиқила-йиқила турар экан. Бироқ Қамчи Қаҳриманович яна қоқиниб дошқозон ёнига бориб қулади. Боши қозоннинг қулоғига урилди.

— Ағдаринг! — дарғазаб қийқирди Қамчи Қаҳриманович, — ағдариб ташланг! Сумалак Доққи Юнусдан қолган сарқит ош! Ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман, нима-нималигини билиб оласанлар...

Одамлар маъюс бўлиб Сайилгоҳни тарк этадилар.

— О, қайтар одамларни, қайтар дейман қочқоқларни!

Қамчи Қаҳримановичнинг шотирлари тарқалаётганларни тўхтатиб, Сайилгоҳга қайтариб, ҳайдайдилар... Шотирлардан бири дарров қаёқдандир топиб, сандали кўтариб келади. Бошқа икки шотир Қамчи Қаҳримановични суяб, сандали устига чиқариб қўяди.

Қамчи Қаҳриманович шотирларига маъноли қараб қўяди, уларнинг ҳозиржавоблиги ва фаросатига қойил қолиб, миннатдор жилмаяди, ахир, мана, қаранг, бирпасда махсус минбар тайёр! Ҳа, кичкина бўлса-да, минбар минбар-да. Халқ ичра энди аралашиб кетмайди нотиқ! Уларга юқоридан назар ташлайди...

Қамчи Қаҳриманович гимнастёркасининг этакларини текислаб, қайишини маҳкамроқ қилиб тортди. Яна уёқ-буёғини тузатгандай бўлди. Чарм курткасининг тугмаларини тугди, гарданини боз ғоздай чўзиб, маъруза қилишга тушди:

— Бутун дунё йўқсуллари, яъни пролетариатнинг буюк назариётчиси деганларким, «Дин-афъюндур». Мен унга қўшимча қилиб давом эттираманким, дин мисоли бир қуюндир, қоронғу бир тундир... Наврўз нима ўзи? Н-и-м-а? деган савол кўндаланг бўлиб тушади кун тартибига... Оташпарастлар ўюнидур. Ҳа, ҳа шайтон ўйлаб топган ўюндур. Шайтон худди шундоқ қилиб эргаштирадир одамларни ўз кетидан, ақлуҳушини олиб, йўлдан оздирадир. Шайтон одамларга Сумалак ялатиб, маст-аласт қилиб хаёлини паришон, дилини вайрон этадур...

Бироз жим туриб, ажабтовур қиёфада, ҳайрону лол бўлиб қолган томошабинларга термулиб, сўрайди:

— Яна нималар ейдилар Наврўзда?

Қамчи Қиронов ўз шотирларига савол аломати ила қарайди:

— Сомса ейдилар, қиччи бичак ейдилар, — жавоб қайтаради шотирларидан бири.

— Ҳалим-ҳалиса ейдилар, — қўшимча қилади бошқа бирови.

— Балли, молодец! — қувватлайди Қамчи Қаҳриманович, — ҳалим-ҳалиса қанақа таом? — қувватлайди Қамчи Қаҳриманович, — ҳалим-ҳалиса қанақа таом? Нега уни кечаси, яъне бутун тун бўйи пишириб, эрталаб ейдилар... Бунда сеҳр бор, шайтоннинг найранги бу!

Тун қоронғусида одамларни кўзини шамғалаб қилиб, шайтон қозон ичига сеҳрли талқон ташлайдир. Таомни ширин қилиб, одамларни ҳам ширини қилиб қўядир. Кимдаким, ушбу таомни еса, шайтоннинг бандасига айланадур, иродасига бўйсуниб, қўйдай ювош бўлиб қоладур. Бу ширин таомлар болага хўрозқанд бериб, алдагандай гап-да, ахир!

(Давоми бор).

ПЕШҚАДАМЛАР САРАЛАНМОҚДА

Олий табақа футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионати тобора қизғин паллага кириб бормоқда. «Трактор» ҳамда «Насаф» футболчилари учрашувларни мағлубиятсиз ўтказиб, 12 тадан очко билан олдинда боришмоқда. Сўнгги турда насафчилар пахтакорчилар дарвозасига битта тўп киритиш билан ютуққа эришган бўлса, тракторсозлар «Гулистон» жамоасини 3:0 ҳисобида енгишди. Бу сафар «Сурхон» футболчилари ҳам бўш келишмади. Тажрибали мураббий Биродар Абдураимов бош бўлиб турган бу жамоа кейинги уч учрашувни ғалаба билан якунлаб, 9 та очко билан 3-ўринга кўтарилиб олди. «Дўстлик» ҳамда «Андижон» жамоаларида 8 тадан очко бор. «Навбаҳор», «Металлург», «Нефтчи», «Бухоро», «Зарафшон» жамоалари ҳисобида 7 тадан очко тўпланди.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари

университетининг халқаро журналистика факультети қошида 2000-2001 ўқув йили учун тест синовларига тайёрлов курслари очилади (ўзбек тили ва адабиёти, тарих, инглиз, немис, француз, испан, япон, хитой, араб, корейс, рус тили ва адабиёти фанлари бўйича).

Ўқиш муддати 3 ой (2000 йил 10 апрелдан 10 июлгача).

Ўқиш шартнома асосида олиб борилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104

Телефонлар: 53-26-42, 53-02-66, 53-39-21

«ГАЗЗАТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ҳайдовчи, токарь, электрик

мутахассислари ҳамда ишчиларни ишга

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Бизнинг манзил: Юнусобод тумани, 6-мавзе, Қорақамиш кўчаси, 4. Тел.: 21-31-45, 21-30-37

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ АКЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

«ФАРҒОНАПАХТАСАНОАТСОТИШ» ТАСАРРУФИДАГИ БЕШАРИҚ ПАХТА ТОЗАЛАШ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ЭРКИН СОТУВДАГИ ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАР АКЦИЯЛАРИ МАВЖУД. БУ КОРХОНА ДАРОМАДЛИ, 1999 ЙИЛДА 11 МИЛЛИОН 293 МИНГ СЎМ СОФ ФОЙДА ОЛДИ. БУ ЙИЛ ҲАМ 12 МИЛЛИОН СЎМ СОФ ДАРОМАД ОЛИШ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА.

ПАХТА ЗАВОДИНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 350 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ ҲИСОБИДА 34480 ДОНА ЭРКИН СОТУВДАГИ АКЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

АГАР АКЦИЯЛАРНИ СОТИБ ОЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

Фарғона шаҳрида: 24-29-48
Тошкент шаҳрида: 54-34-71

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни **сотади**

ҲАҚ ТЎЛАШ—ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-97.
Факс: 54-49-11.
Пейжер: (067) 90-79

ЎзРФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси мархум академик Мўминовнинг рафиқаси **ТАЛЪАТХОН** аянинг вафоти муносабати билан уларнинг фарзандларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Инкассация бирлашмаси маъмурияти Бирлашманинг ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Фарида Ғуломовна Орифжоновага отаси **ҒУЛОМЖОН** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Алишер Рўзиев

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА